

“Ипотека-банк”
Акциядорлик тижорат ипотека банки
акциядорларининг
Умумий йиғилишида
ТАСДИҚЛАНГАН
(2014 йил 6 июндаги
19 - сонли баён)

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ
БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ

2014 йил

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2084 сонли, 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3202 сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги “Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 361-сонли, 2003 йил 19 апрелдаги “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 189-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқаруви тўғрисида” Низом ва Ипотека банк уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви (кейинги ўринларда “Банк бошқаруви”) вазифалари, Банк бошқаруви аъзоларини тайинлаш тартибини белгилайди, унинг иш тартиби, Банк бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

1.3. Банк бошқаруви банкнинг ижроия органи бўлиб, банкнинг барча фаолияти бўйича умумий раҳбарликни амалга оширади.

Банк бошқарувининг ташкилий тузилмаси ушбу низомнинг иловасига мувофиқ ташкил этилади.

1.4. Банк бошқарувининг вазифаси - банкнинг ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларга эришиш йўллари ва тактик услубларини излаб топиш ва амалга ошириш, унинг фойдаси микдорининг муттасил ўсиб боришини таъминлашдан иборатдир.

II. БАНК БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

2.1. Банк бошқаруви аъзоларининг сони Банк уставига асосан белгиланади.

2.2. Банк бошқаруви таркибига бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер, юридик хизмати раҳбари киритилиши лозим. Шунингдек, бошқа асосий бўлинмалар (департамент, бошқарма) бошлиқлари ҳам киритилиши мумкин.

2.3. Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли комиссияси ижобий хулосаси асосида Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Бошқарув аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли комиссияси ижобий хулосаси асосида Банк кенгаши томонидан сайланади.

2.4. Бошқарув аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш (раисдан ташқари) Банк кенгаши томонидан амалга оширилади;

2.5. Банк бошқаруви аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш Банк бошқаруви ҳамда Банк кенгаши томонидан амалга оширилади.

2.6. Банк Бошқаруви аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тайинлаш Банк кенгаши томонидан ҳар бир номзод бўйича алоҳида (якка тартибда) ёки жамоа тартибида амалга оширилади.

2.7. Бошқарув аъзолигига номзод Банк кенгаши аъзоларига ўзи ҳақида, ўзининг жиноий, маъмурий ёки бошқа хил жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлик ҳоллари ҳақида маълумот бериши шарт.

2.8. Банк бошқаруви аъзолигига номзодлар уларнинг номзодлари кўриб чиқиладиганда Банк кенгаши йиғилишида иштирок этишлари мумкин.

2.9. Бошқарув таркибига киритиш учун таклиф этилган номзод Банк кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг, номзоднинг ҳар бири билан меҳнат шартномалари тузилади.

2.10. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини имзолаш ваколати (шартномани узайтириш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили Банк кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилиши қарори қабул қилиниши назарда тутилган ҳолда) фақат бир йил муддатга тузиш шarti билан Банк кенгаши раиси ёки Банк кенгаши ваколат берган шахсга берилади.

2.11. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини имзолаш ваколати (шартномани узайтириш ёки тўхтатиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили Банк кенгаши қарори қабул қилиниши назарда тутилган ҳолда) фақат бир йилга тузиш шarti билан Банк кенгаши раиси ёки Банк кенгаши ваколат берган шахсга берилади.

2.12. Банк бошқаруви раиси Бошқарув таркибидagi бўш лавозимга номзодни Банк кенгашига тақдим этади. Банк кенгаши томонидан Бошқарув аъзолигига тайинлаш масаласи ўрнатилган тартибда кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиниши шарт.

2.13. Банк кенгаши таклиф этилган номзодни тасдиқлашга рози бўлмаган тақдирда Бошқарув раиси ёки Банк кенгаши раиси бошқа номзодни таклиф қилади. Мунозарали ҳолларда Бошқарувдagi бўш лавозимни тўлдириш ҳақидаги масала акциядорларнинг энг яқин вақтга режалаштирилган умумий йиғилишига узил-кесил ҳал этиш учун киритилиши мумкин.

2.14. Банк бошқаруви аъзоси амалдagi қонунчилик, Банк устави ҳамда меҳнат шартномаси шартларини бузганлиги учун лавозимидан озод қилиниши ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

2.15. Банк кенгаши ўз қарори билан Банк бошқаруви раиси ёки унинг аъзоси билан тузилган меҳнат шартномаларини, улар томонидан қўпол хатолик ва қонун бузилишларга йўл қўйилганда ёки банк бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари бажарилишини барбод қилганда муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.16. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Банк бошқарувининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Банк бошқарувининг ваколатларини бошқарувчига ўтказиш тўғрисидаги масала шу Акциядорлар умумий йиғилишининг ўзида ҳал этилиши ёки Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни ҳам тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин. Агар Банк бошқарувини тузиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган бўлса, Банк бошқарувининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Банк кенгаши Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Бошқарув тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

III. ИПОТЕКА-БАНК БОШҚАРУВИ ВАКОЛАТЛАРИ

3.1. Банк бошқаруви ваколати доирасига қуйидагилар киради:

- банкнинг қундалик фаолиятини ташкил қилади ва раҳбарликни амалга оширади, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк кенгаши кўриб чиқиши лозим бўлган барча масалаларни олдиндан кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди;
 - банк хизматининг янги турларини ишлаб чиқади ва жорий қилади;
 - банкда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлайди;
 - банк операцияларини ўтказиш, ички назоратнинг ҳисоби, ҳисоботи, банклараро шартномалар тузилишини ва Банк фаолиятининг бошқа асосий масалаларини ҳал қилади;
 - Банкнинг ташкилий тузилмаси доирасида штатларни жорий қилиш (ёки бекор қилиш), янги бўлимлар очиш (ёки тугатиш) юзасидан қарорлар қабул қилади;
 - Банк тизимида мини-банк ташкил қилиш (ёки тугатиш) тўғрисида қарор қабул қилади;
 - Банк кенгаши томонидан тасдиқланган ички сиёсатлар асосида актив ва пасив операциялар бўйича фойз ставкаларини тезкор тартибга солади;
 - Банк фаолиятини таъминлаш мақсадида доимий ишловчи кўмиталар, комиссиялар ва бошқа ишчи гуруҳларни ташкил этиш, уларнинг ваколатларини белгилаб беради (Бошқарув раисининг буйруғи ёки фармойишига мувофиқ ташкил этиладиган вақтинчалик ёки алоҳида масалалар бўйича ташкил этиладиган комиссия ёки ишчи гуруҳ бундан мустасно);
 - кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва фойдаланиш масалаларини ҳал қилади;
 - банк мажбуриятларини бажарилишини таъминлайди, пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг юритилишини таъминлайди;
 - ўз ваколати доирасида таркибий тузилмалар ҳақида низомни ва Банкнинг фаолиятини тартибга солувчи ички норматив ҳужжатларни қабул қилади;
- қонун ҳужжатлари ва Банк устави билан Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши ваколатига киритилган масалалардан ташқари банкнинг жорий фаолиятини тартибга солувчи барча масалаларни ҳал этади.

IV. ИПОТЕКА БАНК БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ФАОЛИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Бошқарув раиси банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этади, банк номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

4.2. Банк бошқарувига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

4.3. Бошқарув раиси Ипотека-банк фаолияти бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк кенгаши ваколатига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ўз ваколат доирасида мустақил ҳал қилади.

4.4. Бошқарув раисининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- устав ва Банк кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Банкнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Банк кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда Банкнинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- Банк мижозлари билан шартномалар ва контрактлар тузади;
- Банк тизимида жамғарма ва коммунал кассалар ташкил қилиш (ёки тугатиш) тўғрисида буйруқ чиқаради;
- штатларни белгилайди, Бош банк ходимлари ва филиаллар бошқарувчиларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ҳамда бекор қилади, шунингдек

уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб турилишини таъминлайди;

- Банк номидан Банк филиаллари раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузади;
- Банк фаолиятининг оперативлигини таъминлаш мақсадида вазифаларнинг бажарилишини Бошқарув аъзолари ўртасида тақсимлайди;
- Банк номидан амалдаги қонунчиликка асосан айрим ходимларга банк вакили сифатида қатнашиш учун ишончномалар беради;
- Банк филиаллари бошқарувчиларига амалдаги қонунчилик ва Банк филиали низомига мувофиқ Банк номидан банк операцияларини амалга ошириш, шунингдек хўжалик шартномаларини тузиш ва филиал фаолиятини таъминлаш учун бош ёки махсус ишончномаларни беради;
- Банкнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Ўз ваколати доирасида Банк бошқарувининг қарорлари билан тасдиқланган банкнинг ички норматив ҳужжатларини имзолайди;
- Банкнинг ички норматив ҳужжатлари ва таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларни имзолайди, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;
- Ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади (Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгашининг ваколатига киритилган масалалардан ташқари);
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
- Банкнинг таркибий бўлинмаларининг ва филиалларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;
- Банк кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишини таъминлайди;
- Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқишига раҳбарлик қилади, уларни ташкил этади ва бажарилишини назорат қилади;
- Банкнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончлигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Банк кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки банк аудитори талабига кўра тақдим этади;
- давлат статистика ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
- Банк сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, бундай ахборотни учинчи шахсларга беришнинг қонунийлигини таъминлаш. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Банк бошқаруви томонидан белгиланади;
- хизмат, тижорат ва Банк сирини ташкил этувчи ахборотнинг Банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;
- Банкни малакали кадрлар билан таъминлайди, Банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўради;
- Банк ходимларига ижтимоий қафолатлар ва улар меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлайди;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;

- Банк Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив ҳужжатларига ҳамда Банк ички ҳужжатларига риоя қилади.

4.5. Банк бошқаруви банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш Банк бошқаруви вазифасига киради.

4.6. Акциядорлар умумий йиғилиши ёки банк Кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалардан ташқари, ўз ваколати доирасида банкнинг муайян фаолиятини, унинг самарадорлигини ўстириш ва мавқеини сақлаган ҳолда бошқариш учун Бошқарув раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банк манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз ваколатлари доирасида мулк ва пул маблағларини тасарруф қилиш, шартнома ва битимларни имзолаш учун Бошқарув аъзоларига, мустақил балансга эга банкнинг филиаллари раҳбарларига, бошқа зарур ходимларга ишончномалар бериш;

- Банк бошқаруви мажлисларини ўтказиш ва Бошқарув номидан мажлис баённомалари ва бошқа ҳужжатларни имзолаш;

- Бошқарув аъзолари номзодлари бўйича Банк кенгашига таклиф киритиш;

- Банк фаолиятидаги ўзгаришлар ёки бошқа вазиятлардан келиб чиқиб, Бошқарув аъзолари миқдори (сони)ни ўзгартириш (кўпайтириш ёки қисқартириш) бўйича таклифлар бериш.

Бошқарув раисининг ҳуқуқлари у билан тузилган меҳнат шартномаси ҳамда Банк уставида қайд этилади.

4.7. Банк фаолиятини ташкил қилишда Банк бошқаруви раиси қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Банк фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Марказий банк норматив ҳужжатлари, Банк ички ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини назорат қилиш;

- Банкнинг шартномалар бўйича мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- Банкнинг фойда олишини таъминлаш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

- тасдиқланган йиллик бизнес-режа бажарилишини таъминлаш;

- йилнинг ҳар чорагида йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисида Банк кенгашига ҳисобот бериш;

- белгиланган муддатларда Банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишига ўз ваколатлари доирасида Банк фаолияти, унинг молиявий аҳволи ва ишлар ҳолати бўйича ҳисоботлар тақдим этиш;

- амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган маълумотларни олиш, акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш, дивиденд ҳисобланиш ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- Банкнинг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилигини таъминлаш;

- йиллик ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек Банк фаолияти тўғрисидаги акциядорлар ва бошқаларга тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар берилишини ташкил этиш;

- Банк кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки аудиторининг талаби билан банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни узлуксиз тақдим этилишни таъминлаш;

- тегишли органларга бериладиган статистик ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўлиқ берилишини таъминлаш;

- Банкнинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларини сир сақланиш чораларини кўриш, агар бу маълумотни учинчи шахсга бериш унинг мажбуриятлари доирасига киритилган бўлса, бунда банк сирини тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш;

- хизмат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банк ходимлари томонидан сир сақланишини таъминлаш;

- Банкни малакали ходимлар билан таъминлаш ва уларнинг билимидан, малакасида, қобилиятидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;

- меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

- Банк ходимларининг ижтимоий ҳимояланиши ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш;

- Бошқарув вакилларининг жамоа музокараларида қатнашишини таъминлаш;

- Жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда иш берувчи сифатида қатнашиш;

- Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш.

4.8. Бошқарув раисининг мажбуриятлари у билан тузилган меҳнат шартномаси ҳамда Банк уставида қайд этилади.

V. ИПОТЕКА БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ

5.1. Банкнинг ҳар кунги иш фаолиятини бошқариш банк Бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзолари томонидан амалга оширилиши лозим.

5.2. Банк бошқарув аъзолари ўз фаолиятлари давомида амалдаги қонунчилик (ҳамда Марказий банк норматив ҳужжатлари ва низомларига) талабларига ва ахлоқ тамойилларига амал қилишлари лозим.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига асосан банк Бошқарувига банкни бошқаришда қуйидаги сиёсатларни ишлаб чиқиш мажбурияти юкланган:

- Банк кредит сиёсати;

- Банк ликвидлигини бошқариш сиёсати;

- инвестиция сиёсати;

- эмиссия сиёсати;

- дивиденд сиёсати.

5.3. Банк бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

5.4. Банк бошқаруви аъзолари банк акциядорлари ва Банк кенгашининг ишончли вакиллари бўлиб, банк манфаатларини ва акциядорларнинг манфаатларини ўзларининг манфаатларидан юқори қўйишлари лозим.

5.5. Банк бошқаруви мажлисида баённома юритилади. Банк бошқаруви мажлисининг баённомаси Банк кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига кўра берилади.

5.6. Банк бошқаруви мажлисларини ўтказишни Банк бошқаруви раиси ташкил этади, у банк номидан барча ҳужжатларни ҳамда Банк бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди.

5.7. Банк бошқарувининг мажлислари олдиндан белгиланган режа асосида ҳамда зарурият тугилганида лекин, бир ойда камида бир марта ўтказилади.

5.8. Банк бошқарувининг мажлисини Банк бошқаруви раиси олиб боради. Банк бошқаруви раиси вақтинча йўқ пайтида мажлисни кўриладиган масалаларнинг моҳиятига кўра унинг ўринбосарларидан бири олиб бориши мумкин.

5.9. Банк бошқаруви мажлисида қарорлар аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Тарафдор ва қарши овозлар сони тенглигида Банк бошқаруви раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

5.10. Банк бошқаруви қарорлари тегишли ижрочилар томонидан бажарилиши шарт ҳисобланади.

5.11. Бош офис таркибидаги бўлинмалар Бошқарув қарорларининг бажарилиши ҳақида маълумотларни йиғиб, даврий равишда Бошқарувга тақдим қилади. Бошқарув қарорларининг бажарилишига ижрочилар билан биргаликда, қарор бажарилишининг назорати юклатилган Бошқарув аъзоси ҳам масъулдир.

5.12. Банк кенгаши ёки Акциядорлар умумий йиғилишига олиб чиқиши лозим бўлган масалалар дастлаб Банк бошқарувининг қарорлари ва қўтарилган масалалар бўйича Банк бошқаруви нўқтаи назари Банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши олдида Банк бошқаруви раиси ёки у ваколат берган ўринбосари томонидан тақдим қилинади ва ҳимоя қилинади.

5.13. Банк бошқаруви котиби бошқарув мажлислар баёнларининг юритилишини ташкил этади. Банк бошқаруви мажлиси баёнидан кўчирмалар:

- Банк кенгашига, Тафтиш комиссиясига ва қарорни ижро қилиш вазифаси юклатилган органлар ва шахсларга;

- бошқа мансабдор шахслар ва аудиторларга фақат Банк бошқаруви раисининг рухсати билан;

- уни олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар ва ташкилотлар (шу жумладан давлат ташкилотлари), уларнинг сўровномаларига кўра, ўрнатилган тартибда берилади.

5.14. Банк кенгашининг аъзолари, Бошқарув раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

5.15. Банк бошқаруви раисига, Банк бошқарув аъзоларига тўланадиган меҳнат ҳақи ва бошқа ҳақлар миқдори, тўлаш шартлари банк фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланиши керак.

VI. ИПОТЕКА-БАНК БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Банк бошқаруви аъзолари:

- Банк кенгаши томонидан белгиланган банк сиёсатига амал қилишлари;

- Банкнинг ички аудит хизмати текшируви яқунлари бўйича аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни ҳар чоракда кўриб чиқиб, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўришлари;

- ташқи аудит текширувлари яқунлари ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан ўтказилган инспекциялар (текширувлар) ҳисоботларини батафсил таҳлил қилишлари шарт.

6.2. Банк бошқарув аъзолари ўз хизмат вазифалари юзасидан амалга оширган ҳатти-ҳаракатлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Банк уставига мувофиқ банк олдида жавобгардирлар. Амалдаги қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг банк олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади. Шунингдек, бир шахс ҳар бир йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолати учун шахсан жавобгар бўлади.

6.3. Ипотека-банк оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (жисмоний ёки юридик шахс) ёки акциядорлар гуруҳи банкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъво қилиб Банк кенгаши аъзоси, Банк бошқаруви раиси, Банк бошқаруви аъзоси, шунингдек банк устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. БАНК БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

7.1. Мазкур низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни янги таҳрирда қабул қилиш (тасдиқлаш) мумкин. Бунда, киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ёки янги таҳрир матни Банк бошқаруви томонидан тайёрланиб, Банк кенгаши муҳокамасига киритилади. Банк кенгаши тақдим этилган ҳужжатни кўриб чиқиб, акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритади.

7.2. Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки унинг янги таҳрири банк акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради.

7.3. Ушбу низом акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлангандан сўнг, унга қадар амалда бўлган “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги Низом ҳамда унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

**“Ипотека-банк” АТИБ
Бошқаруви Раиси**



О.Мусаев